

Фарғона вилоятида 2016 йил январ-сентябр ойлари давомида ижтимоий-иктисодий ривожланиш ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши тўғрисида маълумот

Фарғона вилоятида 2016 йил январ-сентябр ойлари давомида ижтимоий-иктисодий ривожланиш ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши тўғрисида маълумот

Йиғма бўлими

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йил 15 январда бўлиб ўтган мамлакатимиз Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2016 йилги иқтисодий дастурнинг енг муҳим устувор йўналишларини амалга оширилиши жорий йилнинг январ-сентябр ойларида вилоят асосий макроиктисодий кўрсаткичларининг ижобий ўсиш суръатларини сақлаш ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини изчил ривожлантиришда мустаҳкам асос бўлди.

Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар. Ҳисобот даврида деярли барча соҳада юқори ўсиш суръатларига еришилди, жумладан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (прогноз 107,6% - амалда 110,1%), худудий саноат (прогноз 123,0% - амалда 124,0%), ҳалқ истеъмоли моллари (прогноз 113,1% - амалда 114,9%) ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (прогноз 106,5% - амалда 106,5%), қурилиш ишлари (прогноз 118,2% - амалда 118,2%), жами хизматлар (прогноз 113,5% - амалда 115,6 %) пуллик хизматлар (прогноз 111,9 % - амалда 112,4%) ҳажмлари сезиларли ўсади.

Шундан келиб чиқиб, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9684,9 млрд. сўмни ташкил етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,5 фоизни ташкил етмоқда.

Хисобот даврида ЯҲМ ҳажмида хизматлар соҳасининг улуши 51,5 фоизга (2015 йил 9 ойликда 51,2 %) ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик улуши 64,0 фоизга (2015 йил 9 ойликда 63,8%) тенг бўлди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожланиши

2016 йилнинг 9 ойида дастлабки таҳлилар асосида вилоят ташқи савдо айланмаси 781,5 млн. АҚШ долларини, шундан маҳсулот экспорти 394,2 млн. АҚШ долларини, импорти esa 387,3 млн. АҚШ долларини ташкил етиб, ташқи савдо айланмаси салдоси Қ6,8 млн. АҚШ доллари ҳажмида яқунланмоқда.

Ўтган йилнинг 9 ойига нисбатан ташқи савдо айланмаси 100,1 фоизни, маҳсулот экспорти 100,5 фоизни, импорти 99,6 фоизни ташкил етмоқда.

Експорт тузилмасида пахтадан тайёрланган маҳсулотлар экспорти 107,4 фоизга, кимё маҳсулотлари 101 фоизга, озиқ-овқат маҳсулотлари 123,5 фоизга, қора ва рангли металлар 102,6 фоизга, машина ва ускуналар 137,2 фоизга ўсади.

Вилоят тасарруфидаги корхоналарга 2016 йил 9 ойи учун 190,6 млн.долларлик экспорт прогнози белгиланган бўлиб, хақиқатдан 193,2 млн.долларга ёки 101,4 фоизга бажарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 25 августдаги 02-08-60-сонли ийғилиш баёнининг чора-тадбирлари топшириғига асосан вилоят ҳудудий корхоналари томонидан экспортни амалга оширишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф етиш чора-тадбирлари белгиланиб, ўтган сентябр ойида амалий ишлар қилинди.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллик экспортни амалга оширмаган 38 та (12,8 млн. АҚШ доллар) ва режани бажармаган 21 та (8,6 млн. АҚШ доллар) корхоналардаги холат тўлиқ ўрганиб чиқилди ва республика Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 62 та корхона ва якка тартибдаги тадбиркорлар объектив сабабларга кўра (фаолияти тугатилгани, банкрот бўлгани, бошқа вилоятга кўчгани, маҳсулотга сифат сертификати бўлмагани, модернизация ишлари фрилб борилаётгани ва бошқалар) 2016 йил экспорт прогнозидан чиқариш таклифи ишлаб чиқилди.

Експорт прогнозини бажармаган 26 та корхона томонидан жорий йил август-сентябр ойларида

қўшимча 6,1 млн. экспорт амалга ошириш билан бирга 2-ярим йиллик учун қўшимча белгиланган экспорт прогнози асосида 10 та корхонада 1,2 млн. долларлик янги турдаги маҳсулотлар ва 22 та янги экспортер корхоналар томонидан 8,7 млн.долларлик экспорт ташкил етилди.

2016 йилнинг ўтган 9 ойи давомида экспорт фаолиятига жами 94 та янги корхоналар жалб етилиб, улар томонидан 38,8 млн.долларлик (енгил саноат, чарм-поязали, кимё, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги) маҳсулотлари экспорт қилинди. 17 та корхона томонидан 23 турдаги ((пластмасса уй рўзғор буюмлари, аёллар палтосининг 5 та янги модели, трикотаж футболкалар, ички кийимлар, қурилиш маҳсулотларидан гипсокартон, оҳак тош, гипс, ипак матолар ва гиламлар, сантехника воситалари ва бошқалар) янги маҳсулотлардан 2,7 млн.доллари экспортга чиқарилди.

Експортер хорижий давлатлар сони 8 тага (Япония, Португалия, Белгия, Славакия, Хиндистон, Шири-Ланка, Сингапур, индонезия) ортиб 69 тани ташкил етди. Експортга чиқарилаётган маҳсулот турлари 160 тага етди.

Вилоятда 2016 йил 1 октябр ҳолатига рўйхатдан ўтган хорижий инвестицияли корхоналар сони 162 тани ташкил етиб, ўтган йилнинг 9 ойига нисбатан 13 тага ортди.

Улар томонидан ишлаб чиқарилган ва хизматлар ҳажми жорий йилнинг 9 ойида 869 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 114,3 фоизни ташкил етмоқда. Вилоят ялпи саноат маҳсулотидаги улуши 20,3 фоиздан 21,2 фоизга ортди.

Қўшма корхоналарнинг экспортида ўсиш 115,4 фоизни, импортида еса 91,2 фоизни ташкил етмоқда.

Ўтган ойларда 10 та янги хорижий инвестицияли корхона ташкил етилди. (Фарғона шаҳрида қурилиш монтаж ишларига ихтисослашган Таиланд "РОЙАЛ ТҲАЙ БРАНСҲ" ҲК, , енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "ГРЕАТ СИЛК ИНВЕСТМЕНТ УЛУГ" ҲК, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи "Улуғ ИСКАНДАР ИНВЕСТ" ҲК ва колсалтинг хизмати кўрсатувчи "ИМПЕКС КОНСАЛТИНГ ФЕРГХАНА" ҚҚ, табиий ва сунъий чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Кирғистон "Фаворит Фергана" қўшма корхонаси, Қўқон шаҳрида метан газ балонлари ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Хитой "Шаффофф метан саноат" ҚҚ, ип газлама ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Туркия "Ейркотис текстил групп" қўшма корхонаси, Бешарик туманида тикув маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Туркия "Наргиз тонг" ҚҚ, Фарғона туманида текстил маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Тайланд "Баходир Логон текстил" қўшма корхонаси, Кува туманидаги калава ип ишлаб чиқарувчи "Кува текстил" ҚҚ)

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш.

Вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида бир қатор ижобий натижаларга еришилди. Ҳусусан, юридик, консалтинг, меҳмонхона, интернет хизматлари, суғурта, молия ва банк соҳасидаги янги ва замонавий хизмат турларининг ҳамда бугунги кунда соҳа вакилларининг кўпаяётганлиги бунга ёрқин мисол бўла олади. Натижалар еса ўз навбатида соҳадаги рақобат муҳитининг шаклланишига, аҳоли арzon ҳамда сифатли харид ва хизмат турларидан фойдаланиш имкониятига ега бўлмоқда.

Ҳисобот даврида жами хизматлар ҳажми 4119,2 млрд.сўмдан иборат бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 115,6 фоизга ўсишга еришилди.

Шунингдек, 2175,2 млрд. сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,4 фоиз ўсиш суръатини ташкил етди.

Кўрсатилган майший хизматлар ҳажми 262,4 млрд. сўм (ўсиш 122,9%) дан иборат бўлди.

2016 йил 3 чорагида жами 534 та савдо ва майший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил етилиши белгиланган бўлиб, амалда 562 та майший хизмат кўрсатиш обьектлари фойдаланишига топширилди ва 1833 нафарга яқин меҳнат ёшидаги аҳоли доимий иш ўрнига ега бўлди.

Шунингдек, ҳисобот даврида савдо ва майший хизмат кўрсатиш обеъктларни ишга тушёрилиши ва мавжудларини кенгайтириш ҳисобига 4,4 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

2016 йил 3-чорагида давомида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан жами 33867 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратиш режалаштирилган бўлиб, ҳисбот даврида хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланувчи тадбиркорларга тижоратбанк маблағлари ҳисобидан 35460 млн.сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Чакана савдо айланмаси. Вилоятдаҳисбот даврида чакана савдо айланмаси ҳажми 5570,7 млрд. сўмни ташкил етиб, ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 113,7 фоизга тенг бўлди. Аҳоли жон бошига тўғри келган савдо ҳажми еса 1579,3 минг сўмни ташкил етди.

Транспорт ва алоқа. 2016 йилнинг январ-сентябр ойларида вилоят бўйича барча транспорт турларида 79,5 млн.тонна юклар ташилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,2 фоизни ташкил етди.

Жумладан, автомобил транспортида юк ташиш 74,1 млн. тоннани ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 105,8 фоизни ташкил етди.

Вилоятда 2016 йилнинг январ-сентябр ойларида барча транспортларда юк айланмаси 2646,6 млн.тўнни, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,5 фоизни ташкил қилди. Бу ўсиш автомобил транспортида юк айланмасининг 2184,0 млн.тўнни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,8 фоизни ташкил етганлиги ҳисобига бўлмоқда.

Йўловчилар ташиш миқдори барча транспорт турлари бўйича 529,0 млн. кишини ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,9 фоизни ташкил етмоқда. Бу ўсиш асосан автомобил транспортида йўловчи ташиш ҳажмини 528,1 млн. кишини ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,9 фоизни ташкил етганлиги ҳисобига кузатилмоқда.

Ҳисбот даврида транспортларда йўловчи айланмаси 7159,4 млн. йўлтўнни ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,7 фоизни ташкил етган. Шу жумладан, автомобил транспортида йўловчи айланмаси 7103,7 млн. йўлтўнга ёки 104,7 фоизга ўсишга еришилди.

Транспорт хизматларининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсишни таъминланиши ўз навбатида олинган даромадлар ҳажмини ортишига олиб келди. Жумладан, йўловчи ташишдан даромад 385,5 млрд. сўмни ва ўсиш 126,8 фоизни ташкил етди. Бу асосан автотранспорт хизматидан олинган даромадлар ҳисобига бўлиб, жорий даврда бу кўрсаткич автомобил транспортида 375,4 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 128,2 фоизни ташкил етди.

Шунингдек, ҳисбот даврида юк ташишдан олинган даромад 435,1 млрд.сўмни ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 117,8 фоизни ташкил қилмоқда. Жумладан, автомобил транспортида юк ташишдан олинган даромад 298,1 млрд.сўмни ва ўсиш 110,3 фоизни ташкил етмоқда.

Вилоятда ҳисбот даврида 355,0 млрд. сўмлик алоқа хизматлари кўрсатилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 120,2 фоизни ташкил қилмоқда. Шундан, аҳолига кўрсатилган алоқа хизматлари 349,0 млрд. сўмдан иборат бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 119,5 фоизга тенг бўлмоқда.

Кичик бизнесни ривожлантириш

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-куватланиши, уларга қатор имтиёз ва имкониятлар яратиб берилаётганлиги иқтисодиётимизнинг юксалишига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг янада фаровонлашишига сабаб бўлиб, 2016 йил 9 ойлиги якуни ҳисботларига кўра уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмидаги улуши 64,0фоизни ташкил етди. Ёки ўтган йилнинг (63,8 %) шу даврига нисбатан 0,2фоизга ошди.

Рўйхатдан ўтган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 19070 таниташкил етди.Шундан, 18593 нафари (жамига нисбатан 97,5 %) фаолият кўрсатмоқда.

Ҳисбот даврида 1932 та янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил етилди.Кичик бизнес субъектлари ҳисобига 32855мингта янги иш ўринлари яратилди.

Ҳисбот даврида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

молиявий қўллаб-кувватлаш мақсадида 882,6 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди ҳамда топшириқ режаси 107,0 фоизга бажарилди.

Саноатни ривожлантириш ва капитал қурилиш бўлими

Саноат йўналишида

Вилоятда 2016 йилнинг 9 ойлигига 5 739,3 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 110,1 фоизни ташкил етди.

2016 йилнинг январ-сентябр ойларида ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан 1 859,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 124,0 фоизни ташкил етди. Белгиланган прогноз кўрсаткич 1,0 фоиз ошиғи билан бажарилиши таъминланди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида ҳудудий саноат корхоналарининг улуши 32,4 фоизни ташкил етди.

Вилоятда 2016 йилнинг январ-сентябр ойларида 36 та йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатди.

Вилоятда 15 дан ортиқ тармоқларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида енгил саноатда ўсиш 126,4 фоизга ёки 1443,1 млрд. сўмлик, кимё ва нефт кимё саноатида 129,2 фоизга ёки 727,0 млрд. сўмлик, озиқ-овқат саноатида 118,3 фоизга ёки 981,4 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Бундан ташқари, бир қанча муҳим турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсишга еришилди.

2016 йил январ-сентябр ойларида 2 005,0 млрд. сўмлик ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,9 фоизни ташкил етди.

Жами ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмида ноозиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1100,4 млрд. сўмни, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 914,6 млрд. сўмни, вино-ароқ ва пиво ичимликлари ишлаб чиқариш esa 122,4 млрд. сўмни ташкил қилди.

Маҳаллийлаштириш дастури. Вилоятда 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 февралдаги “2014-2016 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2120-сонли қарорига асосан 12 та корхонада 15 та лойиҳа, 2015 йил 11 февралдаги “2015-2019 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида” ПҚ-2298-сонли қарорига асосан 14 та корхонада 22 та, жами 29 та саноат корхоналарида 33 та лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Корхоналарда дастур асосида “ГМ-Узбекистан” корхонасида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар учун еҳтиёт қисмлар, кир ювиш воситалари, газ ташиш ва тарқатишга мўлжалланган ярим тиркамали цистерналар, иситиш батареялари, цеиент заводлари учун бутловчи қисмлар, юмшоқ болалар ўйинчоқлари, полиефир тола, электр чойнаклари каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Вилоятда 2016 йилнинг З-чорагида ҳудудий тасарруфдаги 22 та лойиҳаларда 26,5 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шундан 22,9 млрд. сўмлик маҳсулотлар сотилиб, 147,5 минг долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди. Натижада 8,5 млн. доллар миқдорида валюта заҳирасини тежашга еришилди.

Инвестиция сиёсати ва реал сектор тармоқларини ривожланиши

1. Инвестиция сиёсати. 2016 йил январ-сентябр ойларида вилоятда барча манбаалар ҳисобидан 1858,5 млрд. сўм маблағлар ўзлаштирилган. Жумладан, бюджет маблағлари ҳисобидан 177,8 млрд. сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 195,6 млрд. сўм, корхоналар ўз маблағлари ҳисобидан 384,3 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан (якка тартиб уй-жой қурилиши, ичимлик сув ва табиий газ тармоқларини қурилиши ва бошқалар) 616,6 млрд. сўм, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 302,4 млрд. сўм ҳамда чет ел инвестицияси ва кредитлари ҳисобидан 47,14

181,7 млрд.сўмни ташкил етди.

Жами ўзлаштирилган маблағларнинг 48,1 фоизи ишлаб чиқариш соҳасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги ПҚ-2458-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил Инвестиция дастури тўғрисида"ги қарорга асосан вилоят бўйича 11 та йирик корхоналарга жами 148,4 млрд. сўм, шундан корхона ўз маблағлари ҳисобидан 21,0 млрд.сўм, тижорат банк кредитлари ҳисобидан 8,8 млрд.сўм ва 41,1 млн.доллар тўғридан тўғри ҳорижий инвестициялар ўзлаштириш кўзда тутилган бўлиб, лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида 226 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Шундан, жорий йилнинг 1 август кунига қадар 154,2 млрд.сўм (шундан 119,4 млрд.сўм жиҳозларни сотиб олишга, 8,8 млрд.сўм қурилиш монтаж ишларига ва 25,9 млрд.сўм бошқа харажатларга) миқдорида инвестициялар ўзлаштирилган.

Худудий инвестиция дастурига асосан 2016 йилга худудий инвестиция дастури тўғрисида"ги қарорга асосан вилоят бўйича 133 та лойиҳалар киритилган бўлиб жами 242,5 млрд. сўм миқдорида (шундан 82,7 млрд. сўм ўз маблағи, 156,4 млрд. сўм банк кредити ва 3,4 млрд. сўм ҳорижий) инвестициялар ўзлаштирилиши ва 4842 нафар янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Шундан, жорий йилнинг 1 октябр кунига қадар 122,9 млрд. сўм (шундан 45,4 млрд.сўм жиҳозларни сотиб олишга, 44,4 млрд.сўм қурилиш монтаж ишларига ва 33,08 млрд.сўм бошқа харажатларга) миқдорида инвестициялар ўзлаштирилган. Натижада 105 та лойиҳалар фойдаланишга топширилиб, 2402 нафар иш ўринлари яратилди.

Хусусан:

Ёзёвон туманидаги "Файзли Алимардон" хусусий корхонасида оҳак ишлаб чиқаришни ташкил етиш лойиҳаси туман ишчи комиссиясини 29.03.2016 йил 4-сонли далолатномага асосан фойдаланишга топширилган; Ўзбекистон туманидаги "Илёсхон Шохистахон" МЧЖда пишган ғишт ишлаб чиқаришни ташкил етиш лойиҳаси туман ишчи комиссиясининг 25.03.2016 йил 2-сонли далолатномага асосан фойдаланишга топширилган; Фарғона шаҳридаги "Фарғона кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш" корхонасида асфалт ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси шаҳар ишчи комиссиясининг 18.03.2016 йил 1-сонли далолатномага асосан фойдаланишга топширилган; "Алл Металл Голд" МЧЖда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси шаҳар ишчи комиссиясининг 18.06.2016 йил 14-сонли далолатномага асосан фойдаланишга топширилган; ЯТТ "Бабаев Хайрулло" томонидан мебел ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси шаҳар ишчи комиссиясининг 23.03.2016 йил 4-сонли далолатномага асосан фойдаланишга топширилган. Қувасой шаҳридаги "Фергана керамикс индустрى" МЧЖда пишган ғишт ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси шаҳар ишчи комиссиясининг 5.02.2016 йил 7-сонли далолатномага асосан фойдаланишга топширилди; "Фергана Семент" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонада цемент ишлаб чиқаришни модернизация қилиш лойиҳаси шаҳар ишчи комиссиясининг 12.02.2016 йил 10-сонли далолатномага асосан фойдаланишга топширилди; Данғара туманидаги "Данғара мега кетл" МЧЖда электр чойнаклар ва плиталар ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси туман ишчи комиссиясининг 2016 йил 15 апрелдаги №2-сонли далолатномасига асосан фойдаланишга топширилди; "Дониёржон тараққиёти" МЧЖда тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси туман ишчи комиссиясининг 2016 йил 2 февралдаги №1-сонли далолатномасига асосан фойдаланишга топширилди.

10. "Еуропринт Коканд" МЧЖда каропка маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси туман ишчи комиссиясининг 2016 йил 29 июндаги 21-сонли далолатномасига асосан фойдаланишга топширилди.

11. "Ноционал силк соттон" МЧЖда калава ип ишлаб чиқаришни ташкил етиш лойиҳаси туман ишчи комиссиясининг 2016 йил 6 сентябрдаги 48-сонли далолатномасига асосан фойдаланишга топширилди.

12. "Қувасойтаъмирқурилиш" МЧЖда пишган ғишт ишлаб чиқаришни ташкил етиш (3-босқич) лойиҳаси туман ишчи комиссиясининг 2016 йил 8 июлдаги 26-сонли далолатномасига асосан фойдаланишга топширилди.

13. "ИРОН ПЛУС ГОЛД" МЧЖда труба профил ва отвод ишлаб чиқаришни ташкил етиш лойиҳаси туман ишчи комиссиясининг 2016 йил 8 сентябрдаги 33-сонли далолатномасига асосан фойдаланишга топширилди.

Ижтимоий соҳа обьектлари қурилиши. 2016 йил Инвестиция дастуридаги 167 та (режа 138,0 млрд.сўм) шундан 78 та ижтимоий ва 89 та бошқа соҳа обьектларида 137,0 млрд.сўмлик (99%) қурилиш-монтаж ишлари бажарилди ва 164 та обьектлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, 24 та мактаб, 11 та коллеж, 15 та соғлиқни сақлаш, 28 та болалар спорти обьектлари, 68 та ичимлик суви, 8 та дренаж, 2 та сел йўли обьектлари, 1 та саховат уйи, 6 та Олий таълим обьектлари тўлиқ фойдаланишга топширилди.

Курилиш материаллари. Жорий йил манзилли дастурга 25 та лойиҳалар, шундан янги ташкил етиш ҳисобига 11 та, модернизация қилиш ҳисобига 14 тани ташкил қиласди. Ушбу лойиҳаларга жами 10082,1 минг доллар (шундан 5139,3 минг доллар ўз маблағи, 4942,8 минг доллар тижорат банк кредити ҳисобидан) маблағ сарфланиши ва 780 нафар ишчи ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Ҳисобот даврида жами 8123,8 минг доллар (шундан 2869,6 минг доллар жиҳозларни сотиб олишга, 2080,4 минг доллар қурилиш монтаж ишларига ва 3173,8 минг доллар бошқа харажатларга) миқдорида инвестициялар ўзлаштирилган. Натижада 21 та лойиҳалар фойдаланишга топширилиб, 695 нафар иш ўринлари яратилди. (Кувасой шахридаги "Шербек идеал сервис" МЧЖда қум, тош майдалаш ва саралаш цехларини ташкил етиш, "Кувасойшифер" АЖда қурилиш (оҳак) маҳсулотини ишлаб чиқаришни ташкил етиш, "Кувасойтаъмирқурилиш" МЧЖда пишган ғишт ишлаб чиқаришни ташкил етиш, Ёзёвон туманидаги "Файзли Алимардон" хусусий корхонасида оҳак ишлаб чиқаришни ташкил етиш, Олтиариқ туманидаги "Олтиариқ Бунёдкор қурилиш" МЧЖда блок ғишт ишлаб чиқаришни ташкил етиш, Фарғона шахридаги "Алл Металл Голд" МЧЖда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, "Фриендс Форевер" МЧЖда курук қурилиш қоришмаларини (шпаклёвка) ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Қувасой шахридаги "Фергана керамикс индустрى" МЧЖда пишган ғишт ишлаб чиқаришни кенгайтириш, "Фергана Семент" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонада цемент ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Қўқон шахридаги "Коканд голд фтури" МЧЖда асфалт ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Бувайда туманидаги "Еверест мега гранд" МЧЖда асфалт ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Данғара туманидаги "СОФ ГИСХТ ФАЙЗИ" МЧЖда пишган ғишт ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Тошлоқ туманидаги "Водий сабоҳ" фермер хужалигида пишган ғишт ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Ўзбекистон туманидаги "Турон еко цемент гроуп" МЧЖда цемент ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Кўштепа туманидаги "Файзли кабел таъмир" хусусий корхонасида кабел маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш).

Пудрат ишлари. 2016 йил январ-сентябр якунига кўра бажарилган пудрат ишлари ҳажми 1505,9млрд. сўмдан иборат бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 118,2 фоизни ташкил етди.

Транспорт, муҳандислик коммуникациялар ва коммунал соҳани ривожлантириш бўлими

Йўл транспорт инфратузилмаси бўйича:

6 / 14

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабр "2016 йил Инвестиция Дастури тўғрисида"ги ПҚ-2458-қарорига асосан вилоятидаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги 2

та автомобиль йўларида 21.0 млрд.сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш белгиланиб, 2016 йил учун 24.352 млрд.сўмлик қўшимча келишувлар тузилди. Жорий йилнинг январ-сентябр ойлари давомида режа 8,500 млн.сўм бўлиб, амалда esa 8503,9 млн. сўмлик (100%) ишлар амалга оширилган.

Жумладан:

1. 4P-144 "Фарғона ш- Хамзаобод қ." автомобиль йўлининг 0-3,6 км қисмини қайта қуриш обьекти.

Дастурга асосан 2016 йил учун 6.0 млрд.сўм лимит маблағлари ажратилиши режалаштирилган бўлиб, 9,372 млрд.сўмлик қўшимча келишувлар тузилди. Январ-сентябр ойларида (режа-3200,0 млн.сўм) 3227,8 млн.сўмлик (101,0%) қурилиш – монтаж ишлари бажарилган (пудратчи – Фарғона ТИХПТФК);

2. 4P-17e "A-373 ағиёлидан Кўқон шахар айланма йўлига" автомобиль йўлининг 4-9 км қисмини реконструкция қилиш обьекти.

Дастурга асосан 2016 йил учун 15.0 млрд.сўм лимит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, 15.04 млрд.сўмлик қўшимча келишувлар тузилган. Январ-август ойларида (режа – 5300,0 млн.сўм) 5276,2 млн.сўмлик (100,0%) ишлар бажарилган. (пудратчи Шарқий ХДАЙСИТФК).

Тўла таъмирлаш 2015 йилдан 2016 йилга ўтувчи обьектлар тўғрисида.

Умумфойдаланувдаги халқаро ва давлат ахамиятидаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш бўйича вилоятида 10 та 2015 йилдан ўтувчи обьектлардан 9 тасида 2016 йил учун қўшимча келишувлар тузилди. Жорий йилнинг январ-сентябр ойлари режаси 7698,3 млн.сўм бўлиб, амалда 8219,5 млн.сўмлик (107%) ишлар амалга оширилиши кутилмоқда. Жумладан:

1. 4P-112 "Фарғона халқа йўли"нинг 223-227 км қисмини тўла таъмирлаш обьекти. 2016 йил учун 2.0 млрд.сўмлик қўшимча келишувлар тузилди. Январ – сентябр ойларида (режа – 2850 млн.сўм) 2837.1 млн.сўмлик (100%) ишлар бажарилиши кутилмоқда (пудратчи- Фарғона КХСИТФК);

2. 4P-145 "Фарғона айланма йўли"

2.1. 4P-145 "Фарғона айланма йўли"нинг 0-9.4 км қисмини тўла таъмирлаш обьекти. 2016 йил учун 1.0 млрд.сўмлик қўшимча келишувлар тузилди. Январ – сентябр ойларида (режа – 750 млн.сўм) 748,4 млн.сўмлик (100%) ишлар бажарилиши кутилмоқда (пудратчи Фарғона КХСИТФК);

2.2. 4P-145 "Фарғона айланма йўли"нинг 12.6-15 км қисмини тўла таъмирлаш обьекти. 2016 йил учун 1.19 млрд.сўмлик қўшимча келишувлар тузилди. Январ – сентябр ойларида (режа – 370.0 млн.сўм) 354.2 млн. сўмлик (96%) ишлар бажарилиши кутилмоқда (пудратчи - Фарғона ТИХПТФК);

3. A-3736 "Кўқон шахрига кириш йўли"нинг 28-32 км қисмларини тўла таъмирлаш обьекти. 2016 йил учун 1.0 млрд.сўмлик қўшимча келишувлар тузилди. Январ – сентябр ойларида (режа – 670 млн.сўм) 805,7 млн.сўмлик (121%) ишлар бажарилиши кутилмоқда (пудратчи Шарқий ХДАЙСИТФК);

4. Фарғона ТИХПТФК АБЗ сини тўла таъмирлаш обьекти. 2016 йил учун 1.511 млрд.сўмлик қўшимча келишувлар тузилди. Январ – сентябр ойларида (режа – 490 млн.сўм) 488,8 млн.сўмлик (100%) ишлар бажарилиши кутилмоқда (пудратчи – Фарғона ТИХПТФК);

5. 4P-153 "Кўқон шахри Мингтут-Аеропорт-Сариқўрғон" йўлинин 0-3 км қисмини тўла таъмирлаш обьекти. 2016 йил учун 1.0 млрд.сўмлик қўшимча келишувлар тузилди. Январ – сентябр ойларида (режа – 490 млн.сўм) 494,8 млн.сўмлик (101%) ишлар бажарилиши кутилмоқда (пудратчи - Шарқий ХДАЙСИТФК);

6. 4P-148a "Фуркат темир юл станциясига шахобча" автомобиль йўлининг 21-23.6 км қисмини тўла таъмирлаш обьекти. 2016 йил учун 3.0 млрд. сўмлик қўшимча келишувлар тузилди. Январ – сентябр ойларида (режа – 1320 млн.сўм) 1316,8 млн.сўмлик (100%) ишлар бажарилиши кутилмоқда (пудратчи - Боғдод ТИХПТФК);

7. 4P-112 "Фарғона халқа йўли"нинг 281 км даги йўл ўтказгични тўла таъмирлаш обьекти. 2016

йил учун 502.0 млн.сўмлик қўшимча келишувлар тузилди. Январ – сентябр ойларида (режа – 108.3 млн.сўм) 108,3 млн. сўмлик (100%) ишлар бажарилган. Объектда ишлар якунланган. Қолган маблағ иқтисод қилинган. (пудратчи - Фарғона КХСИТФК).

Коммуникация инфратузилмаси бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 18июлдаги ПҚ-2214-сонли «Осиё Тараққиёт Банки иштирокида Фарғона ва Марғилон шаҳарлари оқава сув тизимларини реконструкция қилиш лойихасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасидалоийха бўйича хукумат томонидан кафолатланган хорижий кредит ҳисобидан қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

(Лойиҳа муддати 2015-2018 йиллар).

Бажарилаётган ишлар:“Фарғона ва Марғилон шаҳри оқава сув тармоқлари ва насос станцияларини реконструкция қилиш” Лойиҳаси бўйича.

Фарғона ш. "Сувоқава" ИЧ ДУК бош биносидақурилиш монтаж ишлари олиб борилмоқда. Хозирда бинонинг том қисми ва 1, 2, 3, 4, 5-қаватларида реконструкция ишлари нихоясига етиб бормоқда. Иситиш ва вентиляция тизимларини урнатиш бўйича ишлар ва бинонинг ташқи қисмини аликофон билан обшивка қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Марғилонш. "Сувоқава" ИЧ ДУК бош биносида қурилиш монтаж ишлари якунига етиб бормоқда. Хозирда бинонинг ташқи томонида цокол қисмига мармар плиткаларини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

КНС "Тошлоқ" биносидақурилиш-монтаж ишлари якунига етиб бормоқда.Хозирда насос агрегатларини ўрнатиш хамда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

КНС "Атлас" биносидақурилиш-монтаж ишлари якунига етиб бормоқда. Хозирда насос агрегатларини ўрнатиш хамда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

КНС "Водстрой" биносидақурилиш-монтаж ишлари якунига етиб бормоқда. Хозирда насос агрегатларини ўрнатиш хамда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Фарғона шаҳри оқава сув тармоқлари бўйича Нурматов (Д-315мм ПЕ труба, 853 метр, 17 қудук) ва З.Ергашев (Д-500мм, 837 метр,12 қудук) кўчаларинингоқава сув тармоғлари тўлиқ янгиланди ва фойдаланишга тайёр холатига келтирилди. "Қувасой" кучасида (Д-315 мм ПЕ труба,1324 метр, 28 қудук) 1017 метр масофага ПЕ труба етқизилди ва 20та темир-бетон қудуқлари ўрнатилди. "Касирский" кучасида (Д-315 мм ПЕ труба, 1253 метр, 29та қудук) 1253 метр масофага ПЕ труба етқизилди ва 29 қудук ўрнатилди. "М.Қосимов" кучасида (Д-400-500 мм ПЕ труба, 3303 метр,67 қудук) Д-500мм ПЕ труба 843 метр масофага етқизилди, Д-400мм ПЕ труба 1402 метр масофага етқизилди ва 40 дона темир-бетон қудуқлар ўрнатилди. "Тадбиркорлар"кучасида (Д-315мм, 1474 метр, 30 қудук) 915 метр масофага ПЕ труба етқизилди ва 18 та қудук ўрнатилди. "Бозорбоши" кучасида (Д-315мм ПЕ труба, 531 метр, 12та қудук) 531 метр масофага ПЕ труба етқизилди ва 12 дона темир-бетон қудуқлар ўрнатилди. Шакар кишлок МФЙ (Д-315мм ПЕ труба 2650 метр, 57 қудук) бўйича 2650 метр масофага ПЕ труба етқизилди ва 57та темир-бетон қудуқлари ўрнатилди.С.Темур (ВАИ) ва Ёшлик кучаларида (Д-315мм ПЕ труба 903 метр, 12 қудук) бўйича 903 метр масофага ПЕ труба етқизилди ва 12та темир-бетон қудуқлари ўрнатилди.

Марғилон шаҳри оқава сув тармоқлари бўйича Арабгузар кучасида (Д-315мм, 846 метр, 17 қудук)оқава сув тармоғлари тўлиқ янгиланди ва фойдаланишга тайёр холатига келтирилди. Б.Марғилоний кучасида (Д-315мм, 1097 метр, 24 қудук) оқава сув тармоғи учун ПЕ труба етқизилди. Кунчилик кўчасида 970 метр Д-315мм, Оролбўйи кўчасида 380 метр Д-315мм, Галатой кўчасида 250 метр Д-225мм бўлган оқава сув тармоқлари тортилди. Хозирда Ёшлик кўчасида 300 метр Д-225мм оқава сув тармоғини тортиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Алоқа тизимини яхшилаш мақсадида "Ўзбектелеком" АЖ қошида "ЎзМобайл" миллий мобил алоқа оператори томонидан 181 та база ўрнатиш кўзда тутилган. Шунингдек, 132,36 км шиша толали алоқа линияларни (4 та шаҳар ва 14 та туманларда) куришилиши режалаштирилган.

Хозирги кунга қадар вилоят бўйича 101,18 км масофада оптик толали алоқа кабелларини ётқизиш

ишлиари якунланди. Жумладан:

- туман ҳокимиятлари биноларига жами 7,35 км (Бувайда туман ҳокимиятига - 0,4 км, Данғара туман ҳокимиятига - 0,15 км, Ёзёвон туман ҳокимиятига - 1,2 км, Олтиариқ туман ҳокимиятига - 0,7 км, Құштепа туман ҳокимиятига - 1,4 км, Фурқат туман ҳокимиятига - 2,5 км ва Фарғона туман ҳокимиятига - 1 км);
- вилоят Статистика бошқармаси ва бўлимларига жами 0,9 км (вилоят бошқармасига - 0,5 км, Фарғона шаҳар - 0,1 км, Ёзёвон тумани - 0,1 км, Қўштепа тумани - 0,1 км ва Фарғона тумани - 0,1 км);
- шаҳар ва туман пахта тозалаш заводларига жами 26,38 км (Қўқон шаҳар - 1,8 км, Бешариқ тумани - 0,48 км, Боғдод тумани - 10,5 км, Риштон тумани - 8 км, Қува тумани - 4,5 км ва Ўзбекистон тумани - 1,1 км);
- Ҳамкорбанкнинг шаҳар бўлимларига жами 7,7 км (Фарғона шаҳар - 4,5 км, Қўқон шаҳар - 0,4 км, Марғилон шаҳар - 1,5 км ва Қувасой шаҳар - 1,3 км);
- Бошқа объектларга жами 48,15 км, жумладан “Қишлоқхўжаликкимё” худудий акциядорлик жамиятияга 0,3 км, ФардУ қошидаги З-сонли академик лицейга 0,5 км, Миллий банкнинг Марғилон шаҳар филиалига 2,1 км, “Универсиада-2016” объектларига 12,9 км, Учқўприк тумани Катта Кенагас қишлоғига 1,35 км, Фарғона тумани Механизаторлар даҳасига 2,4 км, Учқўприк ТБ Отажонов, Дехқонов АТСларига 7,2 км, Ўзбекистон тумани Қушқўноқ, Яққатут, Оқмачит қишлоқларига 4 км, Фарғона тумани Новкент ҚАТС га 1,5 км, Данғара тумани Найманча ҚАТС га 3 км, Фурқат тумани Шойимбек АТСга 7,2 км, Қўштепа тумани Солижонобод қишлоғига 5,7 км;
- ФТТХ технологияси асосида Фарғона шаҳар Фарғона кўчаси 124, А.Навоий кўчаси 2, 3, 4, 6, Ергашева кўчаси 43, 45, Тарона кўчаси А-21, А-14, Б-15, В-16 уйларга 1,7 км, Қувасой шаҳар А.Азизов кўчаси 203, 211а, 217-уйларга 2 км;
- Видеокузатув камералари учун Фарғона шаҳрида 7 км оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди.

Интернет хизматлари ва кенг полосали тармоқларни ривожлантириш мақсадида 856 портга тенг кенг полосали телекоммуникация қурилмаларини ўрнатилган. Шу жумладан, Фарғона тумани Янгиобод ҚАТСга 48 порт, Чимён ҚАТСга 128 порт, Данғара тумани Найманча ҚАТСга 48 порт, Қува тумани “Қува дон маҳсулотлари” АЖ худудида ажратилган хонага 48 порт, Бешариқ тумани Рапқон ҚАТСга 48 порт, Ўзбекистон тумани Нурсух ҚАТСга 48 порт, Оқмасжид қишлоғига 64 портга тенг ДСЛАМ қурилмалари ўрнатилиб, қишлоқ аҳолисига кенг полосали хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилган.

Вилоядта 4 та шаҳар ва 14 та туманларда жами 43 та база станциялар ўрнатилди ва ишга туширилди. Жумладан, Фарғона шаҳар - 9 та, Марғилон шаҳар - 3 та, Қувасой шаҳар - 2 та, Қўқон шаҳар - 2 та, Фарғона тумани - 2 та, Олтиариқ тумани - 1 та, Ёзёвон тумани - 2 та, Қува тумани - 1 та, Риштон тумани - 1 та, Тошлоқ тумани - 2 та, Қўштепа тумани - 1 та, Данғара тумани - 2 та, Учқўприк тумани - 1 та, Ўзбекистон тумани - 2 та, Боғдод тумани - 2 та, Фурқат тумани - 1 та, Бувайдаги тумани - 1 та, Бешариқ тумани - 2 та, Сўх тумани - 2 та.

181 дона қурилиши кўзда тутилган база станциялардан 95 донаси бўйича лойиҳалаштириш ишилари якунига етган ва булар қуидагича шаҳар ва туманлар доирасида амалга оширилмоқда. Фарғона (8 та), Олтиариқ (1 та), Қува (5 та), Ёзёвон (1 та), Риштон (3 та), Тошлоқ (2 та), Қўштепа (5 та), Данғара (3 та), Учқўприк (4 та), Ўзбекистон (6 та), Боғдод (6 та), Фурқат (6 та), Бувайдаги (4 та), Бешариқ (7 та) туманларида ҳамда Фарғона (16 та), Марғилон (8 та), Қувасой (2 та), Қўқон (8 та).

Қолган 43 та ўрнатиш бўйича Республика “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш” вазирлиги томонидан кўриб чиқилмоқда.

95 та база станцияларини ишлаши учун ҳамда коммутацион марказ билан боғланишини таъминлаш учун “Фарғонателеком” АЖ томонидан 340,47 км оптик толали алоқа линияларни (4 та шаҳар ва 13 та туманларда) ётқизиб бериш режалари ишлаб чиқилди. Жумладан, Фарғона (17,2 км), Қўқон (5,6 км), Марғилон (19,9 км), Қувасой (18,82 км) шаҳарларида ҳамда Фарғона (37,2 км), Қува (13,5 км), Тошлоқ (17,6 км), Қўштепа (11,1 км), Ёзёвон (3,25 км), Бешариқ (69,8 км),

Ўзбекистон(17,3 км) Данғара (15,3 км), Фурқат (25,9 км), Риштон (12,3 км), Боғодод (18,9 км), Бувайда (16,7 км) ва Учкўприк (20,1 км). Ҳозирги кунда лойиҳа-олди смета хужжатлари тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилда АТС-242 да Ўзмобайл коммутацион маркази қурилиши ва ишга туширилиши режалаштирилган.

Қишлоқ массивларида намунавий уй, муҳандислик тармоқлари ва инфратузилма объектлари қурилишини бориши тўғрисида (ПҚ-2483).

Туман массивларида 37,6 км. ичимлик суви тармоқлари 11 та ичимлик сув қудуғи, 5 та сув минорасини қуриш ҳамда 1 та сув минорасини таъмирлаш учун жами 2336,2 млн.сўм маблағлар сарфланиши белгиланган. Жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилиб фойдаланишга топширилган.

Массивларга 21,02 км. ички йўллар қурилиши белгиланган, бугунги кунда ушбу объектлар 100 % битказилди.

Массивларда 26,1 км електр тармоқлари тортилиши режалаштирилиб, амалда 25,7 ёки 98% ва табиий 37,27 км газ тармоқларини тортиш кўзда тутилиб 24.45 км ёки 66 % га ижроси тамилланди. Қолган табиий газ тармоқларини тортиш ишлари олиб борилмоқда жорий йилнинг 20 октябр кунига қадар ниҳоясига етказилади.

Қишлоқ массивларида намунавий уй-жойлар, ташқи муҳандислик тармоқлари ва инфратузилма объектлари қурилиши тўғрисида алоҳида қайд етиш зарур.

2016 йил дастурига биноан 15 та туман 22 та массивларда 1095 та уй-жойларни қурилиши режалаштирилган. Пудрат ташкилотларига (режа 184 млрд.сўм) 174,8 млрд.сўмлик маблағлар молиялаштирилиб, 184,0 млрд.сўм (100%) қурилиш монтаж ишлари бажарилди. Хисбот даврида 1095 та уй-жойларда қурилиш монтаж ишлари якунига етказилиб, туман ҳокимликларининг фойдаланишга қабул қилиш бўйича тегишли қарорлари қабул қилиниб, 874 нафар фуқаролар кўчиб кирди. Қишлоқ массивларида 15 та инфратузилма объектлари тўлиқ фойдаланишга топширилди.

Уй-жой ва коммунал хўжалигидаги ислоҳотлар

Аҳоли ва корхона маблағлари ҳисобидан хисбот даврида 156.7 км. ичимлик сув тармоқлари ва 36,7 км табиий газ тармоқлари тортилган.

Аҳоли яшаш пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Республика бюджет маблағлари ҳисобидан 68 та (11,3 млрд.сўм) қишлоқларда 21 та ичимлик сув қудуғи қазилиши, 24 та қудуқлар таъмирланиши ҳамда 72 км сув тармоқлари тортилиши белгиланиб, 60 мингдан зиёд аҳолини ичимлик суви таъминоти яхшиланишига еришиш кўзда тутилган. Бугунги кунда ичимлик суви 68 та (11,3 млрд.сўм) объектларда (22 та қишлоқ массивларда ва 46 та қишлоқ аҳоли яшаш пунктларида) қурилиш-монтаж ишлари якунланди, жумладан 20 та ичимлик суви қудуғи қазилди, 59.9 км тармоқ тортилди, 47 та насос ўрнатилди ҳамда 43,0 мингдан зиёд аҳолининг ичимлик сув таъминотини яхшиланди.

Қишлоқ хўжалиги бўлими

Вилоятда 2016 йил 3 чорагида вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида барча соҳаларда белгиланган Дастурлар доирасида муҳим вазифаларни бажарилишини таъминлаш, ракобатбордош ва бозор талабларига мос бўлган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенг йўлга қўйиш, экспорт салоҳиятини ошириш, ички истеъмол бозорини арzon ва сифатли бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш, нарҳ-навонинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда пировардида аҳолининг реал даромадларини ошириш борасида белгиланган чора-тадбирлар асосида кенг кўламли ишлар олиб борилди. Жумладан;

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги баҳоларда 3172,9 млрд. сўмга ёки ўтган йилнинг 10/14 мос даврига нисбатан 366,8 млрд. сўм (106,5%)га кўп бажарилди.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни 35,2 фоизи ёки 1116,7 млрд. сўмлигини чорвачилик

маҳсулотларини ҳамда 63,0 фоизи ёки 1999,5 млрд.сўмлигини дехкончилик маҳсулотларини ташкил етди.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда фермер хўжаликлари улуши

29,7 фоизни, дехқон

хўжаликларининг улуши еса 66,9 фоизни ташкил етди.

Озиқ-овқат Дастурлари ижроси бўйича.

Вилоятда Ҳукуматимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар асосида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган еҳтиёжини барқарор таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмларини кўпайтириш ва ички истеъмол бозорини тўлдириш мақсадида мева-сабзавот, картошка, гўшт, сут, тухум, асал, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларни сақлаш, қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича манзилли Дастурлар асосида ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 январдаги 1-сонли “2016 йилда мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишининг истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида” ги қарори ижросини таъминлаш, вилоятда мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ўз вақтида қайта ишлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда жорий йилда мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмларини ошириш мақсадида 2016 йил 8 январда вилоят ҳокимининг 10-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан, 2016 йилда вилоят бўйича 859,2 минг тонна сабзавот (урӯғликка 19,0 минг тонна, қайта ишлашга 117,4 минг тонна, экспортга 51,3 минг тонна, аҳоли истеъмолига 671,5 минг тонна), 336,7 минг тонна картошка (урӯғликка 48,0 минг тонна, аҳоли истеъмолига 288,7 минг тонна), 108,7 минг тонна полиз (урӯғликка 2 минг тонна, экспортга 3,9 минг тонна, аҳоли истеъмолига 102,8 минг тонна), 416,5 минг тонна мева (қайта ишлашга 54,4 минг тонна, экспортга 23,4 минг тонна, аҳоли истеъмолига 338,7 минг тонна), 106,5 минг тонна узум (қайта ишлашга 16,1 минг тонна, экспортга 13,2 минг тонна, аҳоли истеъмолига 77,2 минг тонна) маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари белгиланган.

Вилоятда ҳисобот давридаги барча тоифадаги хўжаликларида жами 718,7 минг тонна сабзавот (ўтган йилга нисбатан 108%), 252,9 минг тонна картошка (107,8%), 72,1 минг тонна полиз (109,2%), 330,3 минг тонна мева (110,4%), 91,1 минг тонна узум (111,1 %) маҳсулотлари етиштирилди.

Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш.

Ҳукуматимиз томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан яратилган тизим асосида биринчи навбатда, вилоятимизда аҳоли томорқалари ва дехқон хўжаликлари ерларидан самарали ва унумли фойдаланиши кенг йўлга қўйилганлиги ўзининг катта самарасини бермоқда.

Вилоятининг 724 минг та хонадонларига тегишли бўлган аҳолининг шахсий томорқа хўжаликларининг 41,0 минг гектар томорқаларида ғалла, сабзавот, картошка, полиз ва озуқа екинларини екиш ҳисобига 15,8 минг тонна ғалла, 502,6 минг тонна сабзавот, 153,7 минг тонна картошка, 33,9 минг тонна полиз, 8,2 минг тонна дуккали донлар, 82,8 минг тонна мева, 79,4 минг тонна узум, 134,1 минг тонна озуқа екинлари етиштириш кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда аҳоли томорқаларининг асосий майдонларда 18,3 минг гектар сабзавот, 2,0 минг гектар полиз, 5,7 минг гектар картошка, 1,5 минг гекар дуккали дон, 9,9 минг гектар майдонларда озуқа екинларини екиш ишлари олиб борилмоқда. Вилоят бўйича шахсий томорқаларида жами 41 минг 520 гектар (101,2 фоиз) ер майдонларга екинлар екилди. Шундан: 18,7 гектар сабзавот (102%), 5,8 гектар картошка (101%), 2,02 гектар полиз (101%), 11,7 гектар бошқа екинлар (101%) екилди. Шунингдек 1954 гектар майдонларга 791 минг дона мева кўчатлари ҳамда 1290 гектар майдонларига 1677 минг дона узум кўчатлари екилди.

Аҳолининг шахсий томорқаларида жами 17,4 минг тонна урӯғлик картошка, 99,5 тонна пиёз, 11.4 тонна сабзи, 277 кг қарам, 3.2 тонна памидор, 6,2 тонна бодиринг, 20,1 тонна кўк пиёз 7,6 тонна полиз, 286 тонна бошқа урӯғлари екилди.

Шунингдек жами 792 минг дона мева, 1677 минг дона узум кўчатлари екилди. Шундан 1290

гектар узум, 684 гектарга олма, 352 гектарга ўрик, 98 гектарга анор, 586 гектарга гилос, 234 гектарга нок кўчатлари екилди.

Тижорат банклари томонидан шу кунгача аҳоли хонадонлариға жами 5,9 млрд сўмлик (уруғлик ва кўчатларга 975 млн сўм, қорамол сотиб олишга 4272 млн сўм, парранда сотиб олишга 449 млн сўм, қўй сотиб олишга 449 млн сўм) кредит маблағлари ажратилди.

Музлаткичли камералар қуриш бўйича

Вилоятда 2016 йилда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳисобига ички истеъмол бозорларини арzon ва сифатли мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 29 февралдаги 34-сонли “2016 йилда республика худудларида янги совуткичли сифимларни қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича амалга ошириладиган чоратадбирлар тўғрисида”ги йиғилиш баёнига асосан Манзилли Дустур ишлаб чиқилди.

Дастурга асосан жорий да жами 27 та лойиха ташаббускорлари томонидан 16800 тонна сифимдаги янги музлаткичли камералар ташкил етилиши белгиланди. Шундан “Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмаси тизими бўйича 500 тоннани, вилоятдаги лойиха ташаббускорлари бўйича 16300 тоннани ташкил етади.

Ушбу мақсадлар учун жами 20,6 млрд. сўм шундан ўз маблағидан 11,0 млрд. сўм, тижорат банклари ҳисобидан 9,5 млрд. сўм сарфланиши режалаштирилган.

Жорий йил учун белгиланган лойиҳаларнинг 27 таси амалга оширилиб, 16200 тонна қувватга ега бўлган янги замонавий музлаткичли камералар барпо етилди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 27,2 млрд. сўм сарфланди.

Маҳсулотларни қайта ишлаш. Вилоятимиз қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш борасида катта имкониятларга ега.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартағи “2016-2020 йилларда мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хомашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2505-сонли қарорига асосан вилоятда 2016 йилда 859,2 минг тонна сабзавот, 336,6 минг тонна картошка, 108,7 минг тонна полиз, 416,5 минг тонна мева, 106,5 минг тонна узум, 147,2 минг тонна гўшт, 924,6 минг тонна сут, 348,8 млн. дона тухум, 5 минг тонна балиқ ва 1 минг тонна асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш белгиланган.

Шунингдек, етишириладиган жами 1 млн. 828 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларининг 91,8 минг тоннасини (149,9 млн. долл.) экспорт қилиш белгиланган.

Вилоятда 2016-2020 йилларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни реконструкция қилиш бўйича жами 14 та янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 50,3 млн. долл (шундан ўз маблағидан 11,7 млн. долл, банк кредити 23,6 млн. долл., чет ел инвеститция ҳисобидан 15,1 млн. долл) маблағлар сарфланиши белгиланди. Ҳозиргача ушбу лойиҳаларнинг тармоқ жавдаллари ишлаб чиқилди.

Чорвачилик бўйича.

Сўнгги йилларда чорвачиликда наслчилк ишларини ривожлантириш, сунъий уруғлантиришни кенг жорий етиш, озуқа базасини яхшилаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ушбу соҳада фаолият юритаётган субъектларга етарли шарт-шароитларни яратиб берилаётганлиги соҳада чорва бош сонларини оширишга ҳамда маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиришга катта замин яратмоқда.

млн. 625,8 минг бошга (113,3%) бошга етказилди.

Шунингдек гўшт ишлаб чикариш 101,2 минг тоннани (106,3%), сут ишлаб чикариш 608,8 минг тоннани (106,1%), тухум ишлаб чиқариш 293,7 млн. донани (114,8%), балиқ етиштириш 2443тоннани (110,8%) ташкил етади.

Қорамолчиликни ривожлантириш бўйича жами 205 та лойиҳада 3708 бош қорамол ташкил етилди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун лойиҳа ташаббускорлари томонидан 23,0 млрд. сўм, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 18,8 млрд. сўм маблағлар сарфланди. Лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида 1176 та янги иш ўринлари яратилди.

Паррандачиликни ривожлантириш бўйича белгиланган дастурларга асосан 39 та лойиҳада 451,3 минг бош парранда боқиш ташкил етилди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун лойиҳа ташаббускорлари томонидан 5,3 млрд. сўм, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 5,4 млрд. сўм маблағлар сарфланди. Лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида 274 та янги иш ўринлари яратилди.

Балиқчиликни ривожлантириш бўйича вилоят бўйича жами 41 та лойиҳалар тўлиқ амалга оширилиб, уларда жами 131 гектар ер майдонларига кўллар ташкил етилди. Лойиҳаларни амалга ошириш учун лойиҳа ташаббускорлари томонидан 4,1 млрд. сўм, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 2,8 млрд. сўм маблағлар сарфланди. Лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида 247 та янги иш ўринлари яратилди.

Асаларичиликни ривожлантириш бўйича28 та лойиҳалар тўлиқ амалга оширилиб, уларда 5238 дона асалари уялари ташкил етилди. Асалари хўжаликларини ташкил етишга жами 2621 млн. сўм маблағлар (шундан банк кредити 495 млн. сўм) сарфланди. Лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига 131 та янги иш ўринлари яратилди.

Ижтимоий ривожлантириш, демография ва аҳоли бандлиги бўлими

Меҳнат ва даромадлар. Вилоятда давр охирига доимий аҳоли сони 3549,3минг нафарни ташкил етиб, ўтган йилга нисбатан 60,1 минг нафарга ёки 101,7 фоизга ортган.

Иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида иқтисодиётда банд бўлганлар сони ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,4 фоизга ўсиб, 1502,8 минг кишини ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабр СҚ-63-ИИИ-сонли қарори бўйича “2016 йилда иш ўринлари ташкил етиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури”га асосан, ҳисобот даврида 77753 та (қишлоқ жойларда 56867 та) янги иш ўринлари яратилди. Бу кўрсаткич режага нисбатан 100,8 фоизни ташкил қилмоқда.

Йилнинг давомида иш ахтарувчи сифатида жами 28591 нафар фуқаролар рўйхатга олинди, шундан 27870 нафари ишга жойлаштирилди.

Ҳисобот даврида ўртача иш ҳақи вилоят бўйича 1224,2 минг сўм бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,8 фоизга ўсганлиги қайд етилди.

Соғлиқни сақлаш. Вилоятда соғлиқни сақлаш тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Даструрни амалга ошириш жараёнида биринчи еътибор аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилди.

Хозирги кунда вилоятда 12974 ўринли 129 та шифохона ва бир пайтнинг ўзида бир сменада 50,0 минг қувватга ега бўлган 582 та оиласвий ва бошқа амбулатория-поликлиника муассасалари самарали фаолият олиб бормоқда.

Тиббий муассасаларда жами 42,4 минг нафар ўрта тиббиёт ходимлари ва 6,7 минг нафардан зиёд врачлар фаолият кўрсатмоқда.

шуғулланувчи врачлар сони 674 нафардан иборат. Шунингдек, пуллик тиббий хизмат олган шахслар сони 2016 йилнинг 9 ойлик якунида 164,3 минг нафарни ташкил етиб, пуллик тиббий хизмат кўрсатиш ҳажми 106,0 млрд.сўмни ташкил етди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 119,1 фоизга ошган.

Таълимни ривожлантириш. Вилоятда 89,1 минг ўринга ега бўлган жами 678 та мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатиб, уларда 75,8 минг нафардан зиёд болалар тарбияланмоқда.

Вилоятда 2016F2017 ўқув йилида 920 та умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатиб, 37,4 минг нафар педагог ходимлар 508,9 минг нафардан зиёд ўқувчиларга таълим бермоқда.

Бугунги кунда вилоятда 12 та академик лицейлар ва 145 та касб-хунар колледжлари фаолият кўрсатмоқда. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим олаётган ўқувчилар сони 161,0 минг нафарни ташкил етди. (Жумладан, академик лицейларда 8400 нафар, касб-хунар колледжларда- 152590 нафар)

Спорт. Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний-маънавий жиҳатдан саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни соғлом ва баркамол бўлиб вояга етказиш мақсадида, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Оммавий спорт тадбирларини ўтказиш бўйича тасдиқланган режага асосан 2016 йил 9 ой давомида, шаҳар ва туман ҳокимликлари, турли давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда 1032 та турли спорт мусобақалари ўтказилди. Ўтказилган спорт мусобақаларида 557411 нафар (шундан 252794 нафари қизлар) ёш спортчилар иштирок етишди. Мазкур тадбирларни ўтказишга ва ғолиб бўлган совриндорларни тақдирлашга жамғарма ва ҳомий ташкилотлар томонидан 26,2 млн.сўм маблағлар (шундан, жамғарма ҳисобидан 19,8 млн.сўм) сарфланди.

Ўтган ойлар давомида вилоятимизнинг 48 нафар (шундан 16 нафар қизлар) ёш спортчилари жами 4 та Республика мусобақаларига юборилиб, фахрли 2, З-ўринларни егаллаб қайтдилар.

Маданият. Вилоятда 4 та театр ва 14 та музейлар, 8041,5 минг нусха китоб фондига ега бўлган 1130 та кутубхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, вилоятда 91 та маданият ва аҳоли дам олиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Мазкур марказларда 775 та тўғараклар мавжуд бўлиб, тўғаракларда 20,0 минг нафардан зиёд болалар ва ўсмирлар бўш вақтларини мазмунли ўтказмоқда.

2017-06-19 18:08:28